

TOSHKENT OQSOMMI

2007 йил, 20 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 183 (10.992)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институтиди «Ўзбекистон меъморчилиги ва шаҳарсозлигини ривожлантириш муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги таниқли архитектор олимлар, йирик қурилиш ташкилотлари вакиллари ҳамда ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

● Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» да «Қуриқлаш, хавфсизлик ва ёнғинга қарши ҳимоя — CAIPS-2007» иккинчи Марказий Осиё халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

● Тошкентда Свердловск академик драма театрининг гастроллари бошланди. Сентябрь ойи охиригача давом этадиган ушбу тадбирда театрининг етти спектакли намойиш этилиб, ундан 10 мингдан ортиқ томошабинлар баҳраманд бўлишади.

● Марғилоннинг Навбахор кўчасида икки қаватли ёшлар шифохонаси таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Янги шифохона таъмирлаш-қурилиш ишларини «6-кўча механизациялашган колонна» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари амалга оширишди.

● Поп туманидаги Уйғур қишлоғида ишга туширилган «Жуманбой-Исабек» кўп тармоқли фирмасида Украинада ишлаб чиқарилган замонавий ускунада бир соатда 10 минг донагача гишт тайёрланмоқда. Янги корхонада 25 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди.

● Қоракўл туманидаги 15-мактабнинг биологика факультетидаги «Қоракўл-2000» ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Насиба Йўлдошева «Йил аёли» кўрик-танлови Бухоро вилояти босқичида голиб деб топилди.

● Навой вилоятининг Қизилтепа туманида бир кеча-кундузда 50 тонна ун тайёрлаш қувватига эга бўлган завод фойдаланишга топширилди. Корхонага «Галлабанк» кредити асосида Туркиядан келтирилган замонавий линиялар ўрнатилган.

● Зангиота туманидаги «Чигатой-Оқтепа» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда кўп тармоқли «DENTA FILL PLUS» хусусий корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Корхонада 50 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

● «Бухоро гилам» кўшма корхонаси ўз маҳсулотининг асосий қисmini хорижга экспорт қилиш мақсадида ҳозирда Қозғистон, Россия ва Исроилнинг еттига йирик фирмаси билан шартнома тузди.

ЖАҲОНДА

● Сомали ҳукумати жаҳон ҳамжамиятини тезлик билан мамлакатга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга қақирди. Сомали ички ишлар вазири Муҳаммад Маҳуд Гулднинг таъкидлашича, мамлакатда инфляция рекорд даражасига етган, озиқ-овқат маҳсулотлари эса туғаш арасида турибди. ЮНИСЕФ вакилининг қайд этишича, мамлакатда тезлик билан озиқ-овқат етказиб берилмаса, шимолий туманлардаги минглаб болалар очликдан вафот этиши мумкин.

● Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси мамлакатдаги йирик мобиль алоқа компанияси билан келишув шартномаси тузди. Унга кўра компания ўз мижозларини «SMS» жўнатмалари орқали сайлов жараёнларидан хабардор қилиб туриш мажбуриятини зиммасига олди.

● БМТ Жаҳон банки билан ҳамкорликда ривожланаётган мамлакатлар етакчилиги томонидан нолегал ўзлаштириб, хориждаги банкларда сақлаётган маблағларини ўз ватанга қайтариш ташаббуси билан чиқди ва коррупциялашган сиёсатчилар рўйхатини эълон қилди. Ушбу рўйхатнинг бошида Индонезиянинг собиқ Президенти Муҳаммад Сухарто турибди.

● Доғистонда маҳаллий террорчилар етакчиси, 37 ёшли Раппани Халилов йўқ қилинди. У бошлиқ террорчилар 60 мартадан кўпроқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига ҳужум уюштирган.

● Англия жанубидаги фермалардан бирини оқсим касаллигининг янги ўчоғи қайд этилди. Буюк Британия Қишлоқ хўжалиги вазирининг маълум қилишича, чорвадан олинган қон таҳлиллари буни тасдиқлади. «Reuters» АА хабарига кўра, фермадаги барча жониворлар йўқ қилиниб, ҳозирда ушбу ҳудудда карантин жорий этилган.

● Ҳиндистонда Осиё-Тинч океани минтақаси касабанга уюшмаларини беклаштирувчи янги минтақавий ташкилот тузилганлиги эълон қилинди. Ушбу ташкилот минтақанинг 29 давлатидаги 48 аъзо ташкилотни бирлаштиради.

● Сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси Хитойнинг жанубий ҳудудларига «Випа» тўфони етди. «Xiphua» ахборот агентлиги хабарларига кўра, бу ерда шамолнинг тезлиги ҳар соғияга 40 метрни ташкил этган. Қирғоққа яқин жойлардаги бир миллион нафар одам хавфсиз жойларга қўчирилганлиги учун талафот миқдори кам бўлди. Тўфон тўғайли олтита шаҳардаги мактабларда машгулотлар тўхтатилди.

● Пентагонлик бир гуруҳ ҳарбий экспертлар Озарбойжонда жойлашган Габалин радиоолокация станцияси билан танишдилар. АҚШ ракетага қарши ҳимоя агентлиги раҳбари Генри Обериннинг айтишича, собиқ шўролар даврида қурилган ушбу станция америкаликлар Чехия ҳудудига ўрнатмоқчи бўлаётган ракетага қарши тизим ўрнини боса олмайди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар




ФОРУМ ЯКУНЛАНДИ, ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

ТОШКЕНТДА 17-19 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ IV ХАЛҚАРО ПАХТА ВА ТЎҚИМАЧИЛИК КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҲАМДА III ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ушбу икки халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси ҳамда «Cotton Outlook» журнали, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва пахта толасини сертифицилаш «Сифат» маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кимёвий тала ишлаб чиқарувчилар тобора кучли рақобатга киришаётганига қарамай, жаҳонда табиий тала — пахтага талаб ҳамон юқориликда қолмоқда. Мутахассислар буни кўплаб ривожланаётган мамлакатларда турмуш даражаси муттасил ошиб бораётгани ва тўқимачилик маҳсулотларига эҳтиёж ортаётгани билан изоҳлашади. Дарҳақиқат, кундалик ҳаётда тала хомашёсидан ишланган буюмлардан кўп фойдаланилади. Пахта бизнесининг кўлами нечоғли катта эканлиги шуларнинг ўзидан ҳам яхши аён бўлади.



Ушбу икки халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси ҳамда «Cotton Outlook» журнали, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва пахта толасини сертифицилаш «Сифат» маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

ат, фермерлик, механизация, меллиорация ва ишни ташкил қилиш мутлақо янги асосда олиб борилмоқда. Пахтачилик билан боғлиқ жараёнларнинг бутун механизми мунтазам такомиллашяпти. Барча бўғинларда энг замонавий технологиялар, ҳисоб-китоб услублари жорий этилиб, қулай транспорт йўналишлари ишлаб чиқилмоқда. Мутахассислар хорижда Ўзбекистон толасидан маҳсулот ишлаб чиқар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси ҳамда «Cotton Outlook» журнали бош муҳаррири Рей Батлер ва Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси ижрочи директори Терри Таусенд ва бошқалар Ўзбекистон пахтасининг юқори сифати мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган стратегиянинг амалий самараси эканлигини, ярмарка юқсак савияда ташкил қилинганини таъкидладилар. Барча қатнашчилар Ўзбекистон билан ҳамкорликни бундан бунён ҳам изчил давом эттиришга тайёр эканлигини қайд этидилар.

Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозоридида мавқеи изчил юксалиб, ҳамкорларимиз сафи кенгайиб бораётганини, пахтаимизнинг сифати ва харидорлиғи ошаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА мухбири
Наталья Семёнова олган суратлар



Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси катнашчиларининг сони ортиб, жүрғорисаи кенгайиб бораётгани факат бундан эмас. Ўзбекистон пахтаси ўзининг юқсак сифати билан йилдан-йилга кенг-кўроқ шўхрат қозонмоқда. Унинг талаб ва таъминоти ҳамон юқориликда қолмоқда. Мутахассислар буни кўплаб ривожланаётган мамлакатларда турмуш даражаси муттасил ошиб бораётгани ва тўқимачилик маҳсулотларига эҳтиёж ортаётгани билан изоҳлашади. Дарҳақиқат, кундалик ҳаётда тала хомашёсидан ишланган буюмлардан кўп фойдаланилади. Пахта бизнесининг кўлами нечоғли катта эканлиги шуларнинг ўзидан ҳам яхши аён бўлади.

Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозоридида мавқеи изчил юксалиб, ҳамкорларимиз сафи кенгайиб бораётганини, пахтаимизнинг сифати ва харидорлиғи ошаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА мухбири
Наталья Семёнова олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ Тўғрисида

1998 йилда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг энг муҳим қондалари ва мақсадли вазифалари умуман муваффақиятли амалга оширилганлиги қайд этиб ўтилсин. Тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта қирилди, республикада соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принциплари янги ҳаётга келиштирилди.

Аҳолига юқори малакали бепул шифолиқ тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилдики, бу тизим туман ва шаҳарларда энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва 173 та бўлимлардан ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат бўлиб, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш ишлари Республика шифолиқ тиббий ёрдам илмий маркази томонидан амалга оширилмоқда.

Жарроҳлик, кардиология, кўз микрохирургияси ва урология соҳаларида энг замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган республика ихтисослаштирилган тиббий марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларда юқори малакали мутахассислар мураккаб, юқори технологияли ноёб операцияларни амалга оширмоқдалар.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар содир бўлди — кам самарали фельдшерлик- акушерлик пунктлари ва амбулаториялар ўрнига замонавий тиббий техника билан жиҳозланган 3,1 мингтадан кўпроқ қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, уларда малакали умумий амалиёт шифокорлари бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш тизимида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бўлғуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи ҳамда соғлом болалар туғилишига кўмаклашувчи скрининг-марказларнинг кенг тармоғи вужудга келтирилганлиги низоҳатда муҳим ҳақиқатга эгадир. Тўғруқ муассасаларининг моддий-техник базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Шифокорлар ҳамда тиббий ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан ўзгаририлди — уларнинг иш ҳақи миқдорлари ва рағбатлантириш механизми бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва оғирлик даражасига, кўрсатилган тиббий ёрдам сифатига бевосита боғлиқ қилиб қўйилди. Хар бир тиббий муассасасида моддий рағбатлантириш ва тиббий муассасани ривожлантириш жамғармалари ташкил қилинган. Натҳада кейинги икки йил ичида тиббий ёрдам ходимларининг иш ҳақи миқдорлари 2,2 баравар кўлайди.

Республикада соғлиқни сақлаш соҳасидаги хусусий сектор изчиллик билан шакллантириб борилаётганда — 1,7 мингдан кўпроқ юридик шахсларга хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланиш ва 2,1 минг нафардан кўпроқ жисмоний шахсларга яқна тартибдаги шифокорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар берилди.

Тиббий кадрларни тайёрлаш тизими ислоҳ қилинмоқда — олий тиббий таълимнинг замонавий икки босқичли тизими жорий этилди, Тошкент тиббий академияси ташкил қилинди. Олий ўқув юртиларида олий маълумотли хамшираларни тайёрлаш ташкил қилинганлиги принциплари янгилик ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар инсонларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш, аҳоли турмушини яхшилаш имконини берди. Натҳада 1990 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 72,5 ёшгача, шу жумладан, эркакларнинг ўртача умр кўриши — 66 ёшдан 72 ёшгача, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 70 ёшдан 74,6 ёшгача узайди. Чечак, ич терлама, полиомиелит, бўғма, кўйдириги, ўлат, вабо каби ва бошқа илтиҳомий хавфли ҳамда юқумли касалликлар батамом тугатилди.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш ва инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимининг биринчи навбатда вилоят ва туман бўғинларида профилактика ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш сифати даражасини ошириш билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳамон ўз ечимини топан эмас.

Ханузгача стационар даволаш муассасалари улushi кўпчиликти ташкил этган соғлиқни сақлашни бошқаришнинг ташкилий тизими бевосита ва самарасизликка қолмоқда. Соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари тиббий муассасалари фаолияти устидан етарлича ташкилий-услубий раҳбарлиқни таъминламайяптилар, юқумли касалликлар профилактикаси ва улар тарқалишининг олдини олиш бўйича тегишли санитария-эпидемиология назорати таъминланмаётти.

Республикада нейрхирургия, кардиохирургия, онкология, гинекология ва акушерлик, ўткир ошқозон-ичак касалликлари ҳамда бошқа соҳаларда мураккаб, юқори технологияли операцияларни ўтказиш бўйича алоҳида ихтисослаштирилган тиббий марказларини ривожлантириш низоҳатда зарур бўлиб, уларга нисбатан талаб-эҳтиёж юқори даражада қолмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

19 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ МАҲЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши тақлиф этган кун тартибини тасдиқладилар.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига қўшимча қилиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси Ф.Комилов тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган муҳокама чоғида депутатлар жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига киритилаётган қўшимчанинг аҳамияти устида тўхталдилар. Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий илохотлар кўмитаси аъзоси Қ.Тошматов «Бюджет тизими тўғрисида»-ги ҳамда «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Барча сиёсий

партиялар фракциялари вакиллари иштирок этган моддама- модда муҳокама чоғида мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши қонун ҳужжатларини Давлат бюджетининг газначилик ижроси шартларига мувофиқлаштириш мақсадида уларнинг янада такомиллаштирилиши учун муҳим эканлиги таъкидланди. Шу билан бирга депутатлар томонидан қонун лойиҳасининг бюджет маблағларини сарфлаш ва газначиликнинг асосий вазифаларига тааллуқли айрим нормаларига аниқлик киритилиши зарурлиги билан боғлиқ мулоҳазалар баён этилди. Қонунчилик палатаси тушган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди. Масъул кўмитага қабул қилинган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини маромига етказиш ва учинчи ўқишда муҳокамага киритиш топширилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н.И-

Қишлоқ сатрларда

● **ЎТГАН** кун Тошкент шаҳар Адвокатлар ассоциацияси ташаббуси билан инсон манфаатларини ҳимоя қилишда адвокатларнинг роли масаласига бағишланган семинарда ҳуқуқшунос-лар, адвокатлар ишти-

рок этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** маданияти ва санъати форуми ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари ҳамкорликларида таълим самарадорлигини ошириш, иқтидорли талабаларни кўллаб-қувватлаш мақсадида ташкилланган грант шартномасига эга бўлган ёшлар тақдирланди.

● **ЎТГАН** кун Урал

Тансиқбоев уй-музейида тез расм чизиш бўйича уюштирилган мусобақадда шахримиз ўқув муассасаларида тахсил олаётган расм-омилка қизиққан ёшлар ўзаро беллашди.

● **РЕСПУБЛИКА** Соғлиқни сақлаш вазир-

лиги ташаббуси билан академик Воҳидов номидаги жарроҳлик марказида тиббий соҳасини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига бағишланган ўтказилган халқаро семинарда россиялик, хитойлик шифокорлар ҳам иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

(ЎЗА)

